

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг очиқ суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман суди биносида бўлиб, раислик этувчи судья И.Хамидов, судья ёрдамчиси Ж.Уктамовнинг котиблигида, томонлардан Қўшработ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Абдуғаниев, судланувчи М.Дусиярова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Холиқовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланиб судга берилган Дусиярова Мухайё Қиличовнага нисбатан 1-1414-2501/230-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи: Дусиярова Мухайё Қиличовна (Dusiyarova Muxayyo Qilichovna), 1978 йил 2 январь куни Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, 2-гуруҳ ногирони, Пахтачи тумани “Дабусқалъа” маҳалласида яшайди, иш бўйича 2025 йил 11 сентябрь куни “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 октябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчини охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовна 2024 йил март ойининг охирида ўзининг Пахтачи туман “Даббусқалъа” маҳалласида жойлашган яшаш хонадони томорқасининг маккажўхори экинлари орасига келгусида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда 5 туп “кўкнори” гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, парваришлаб, етиштириб келган.

Бундан ташқари, судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовна ўзининг жиноий ҳатти-харакатларини давом эттириб, келгусида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда, ўзининг яшаш жойи бўлган Пахтачи тумани “Даббусқалъа” маҳалласида жойлашган яшаш хонадони ошхонасида бир дона цалофан пакетга солиб қадоқланган 6,53 граммга тенг бўлган 21 дона қуруқ



ҳолдаги кўкнор гиёҳвандлик ўсимлиги бошоқчалари ҳамда 87,77 граммга тенг бўлган бир дона шиша идишда қуруқ ҳолдаги кўкнор гиёҳвандлик хашаги моддасини сақлаб келаётганлиги 2025 йил 22 июль куни Пахтачи тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор профилактик тадбир давомида аниқланиб, ашёвий далиллар тегишли тартибда хужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовна ўзининг кўрсатувида айбига иқдорлик билдириб, унинг ўзи уй бекаси эканлигини, қандли диабет кассалиги сабабли 2-гуруҳ ногирони ҳисобланишини, ёшлигида онаси раҳматли Хайдарова Санам агарда кўкнори ўсимлигини қайнатиб истеъмол қилинса оғриқлар қўйишини ва шифо бўлишини айтганлигини, онаси 2004 йилда вафот этганидан кейин кўкнори ўсимлиги уруғлари унинг кийимларини орасида қолганини, у 2021 йилда қандли диабет касаллигига чалинганлиги сабабли танасининг турли жойларида қаттиқ оғриқлар пайдо бўла бошлаганини, шу сабабли онасининг гапини эслаб кўкнори ўсимлиги уруғларини яшириб қўйган жойидан олиб 2024 йил март ойининг охирларида экканлигини, шундан кейин кўкнори гиёҳвандлик ўсимлиги бошоққаларидан кесиб олиб қуритиб, яшаш уйининг ошхонасига целлофан пакетга ва бир литрлик шиша идишга солиб яшириб қўйганлигини, у ушбу гиёҳвандлик моддаларини ҳар замонда ҳафтада бир маротаба истеъмол қилиб келганлигини, 2025 йил 22 июль куни яшаш уйида бўлган вақтида соат 12:00ларда ИИБ ходимлари келишиб яшаш уйида тинтув ўтказишини, бу ҳақида хонадон эгаси турмуш ўртоғи М.Эшбулатов номига суднинг ажрими борлигини билдириб ўтишганини, шундан кейин ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида уйига кириб, бирор-бир таъқиқланган нарса ва буюмлар бўлса чиқариб беришини айтганини, шунда у яшаш уйидаги ошхонада яшириб келаётган бир дона целлофан пакетга солинган ва бир дона шиша идишга солинган кўкнори гиёҳвандлик моддаларини олиб чиқиб берганини, шундан кейин улар ушбу гиёҳвандлик моддаларини хужжатлаштириб олишганлигини, у ушбу гиёҳвандлик ўсимлигини соғлиги бўлмаганлиги ва ногирон бўлганлиги сабабли ўзи истеъмол қилиб келганлигини, бошқа бирор-бир кишига сотмаганлигини, оила-азоларининг бундан хабари бўлмаганлигини, ҳозирги кунда у қилмишининг оқибатларини тушуниб етганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ишпулатов Махмуджон Боймуратович ўзининг кўрсатувида, судланувчи Дусиярова Мухайё турмуш ўртоғи бўлишини, унинг ўзи 2014 йилдан буён Қозоғистон Республикасида ёлланма ишчи сифатида ишлаб келишини, уйига бир йилда бир-икки маротаба келиб кетишини, турмуш ўртоғи 2021 йилда қандли диабет кассалигига чалиниб ўша вақтдан буён ишламасдан уйда даволаниб келишини, 2024 йилда 2-гуруҳ ногиронлик нафақасига



чиққанлигини, у турмуш ўртоғининг гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишини ҳамда уни уйда сақлаб келаётганини билмаганлигини, у Қозоғистон давлатида бўлган вақтида 2025 йил 22 июль куни Пахтачи тумани ИИБ ходимлари келишиб уйда тинтув ўтказиш ҳақида суднинг ажрими борлигини айтиб яшаш уйда тинтув ўтказишганини, шунда турмуш ўртоғи унинг ошхонасидан бир дона целофан пакетга ва бир дона шиша идишга солинган гиёҳвандлик моддаларини ўз ихтиёри билан чиқиб берганини эшитиб, турмуш ўртоғидан гиёҳвандлик моддаларини қаердан олганлигини ва нима сабабдан сақлаб келганлигини сўраганида, қандли диабет кассалигидан азият чекаётганлиги сабабли 2024 йил баҳор ойларида кўкнори ўсимлигини яшаш уйининг томорқасига экиб етиштириб, кейин қуритиб сақлаб келганини айтганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Боймуродов Илхомжон Махмуджонович ўзининг кўрсатувида, судланувчи Дусярова Мухайё унинг онаси бўлишини, онаси қандли диабет кассалигига чалинганлиги сабабли 2-гуруҳ ногирони ҳсобланишини, у 2025 йилнинг 21 июль куни таътил берилганлиги сабабли Пахтачи тумани “Даббусқалъа” маҳалласида жойлашган яшаш уйига келганини, 2025 йил 22 июль куни тушликка яқин ИИБ ходимлари келишиб яшаш уйда тинтув тергов ҳаракати ўтказишганини, шунда онаси ошхонадан бир дона целофан пакетга солинган ва бир дона шиша идишга солинган қуритилган ўсимлик моддаларини олиб чиқиб ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан тақдим қилганлигини, онаси ушбу идишдаги моддалар гиёҳванд моддалар эканлигини, ўзи бетоблиги сабабли истеъмол қилиб келаётганлигини айтганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Пўлатов Равшан Хасанович ўзининг кўрсатувида, у 2025 йил 22 июль куни тушликка яқин ўз ишлари билан маҳалла ҳудудида юрган вақтида Пахтачи туман ИИБ ходимлари келишиб унга бир тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этишини сўрашганини уни вақти бўлганлиги учун уларнинг таклифига рози бўлгач унга ва яна бир холисга “Даббусқалъа” маҳалласида яшовчи Дусярова Мухайёнинг яшаш хонадонидан тинтув тергов ҳаракати ўтказишни тушунтиришганини, шундан кейин улар ИИБ ходимлари билан бирга М.Дусярованыннг яшаш хонадонига бориб, ИИБ ходимлари унга яшаш уйда тинтув ўтказиш бўйича суднинг ажрими борлигини, яшаш хонадонидан таъқиқланган нарса ва буюмлар бўлса тақдим қилиши тушунтирилганини, шунда М.Дусярова яшаш хонадонидан бир дона целофан пакетга солинган ва бир дона шиша идишга солинган “кўкнори” гиёҳвандлик моддаларини ўз ихтиёри билан тақдим қилганини, ушбу гиёҳвандлик моддалари ИИБ ходимлари томонидан далилий ашё тариқасида хужжатлаштириб олинганлигини, М.Дусяровадан сўралганида ушбу гиёҳвандлик моддалари ўзига тегишли эканлигини,



оғир бетоблиги ва ногиронлиги сабабли ўзи истеъмом қилиб келишини айтганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Норбоев Акмал Эшназарович ўзининг кўрсатувида, у 2025 йил 22 июль куни тушликка яқин ўз ишлари билан маҳалла ҳудудида юрган вақтида Пахтачи туман ИИБ ходимлари келишиб унга бир тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этишини сўрашганини уни вақти бўлганлиги учун уларнинг таклифига рози бўлгач унга ва яна бир холисга “Дабусқалъа” маҳалласида яшовчи Дусиярова Мухайёнинг яшаш хонадонига тинтув тергов ҳаракати ўтказишни тушунтиришганини, шундан кейин улар ИИБ ходимлари билан бирга М.Дусиярованинг яшаш хонадонига бориб, ИИБ ходимлари унга яшаш уйида тинтув ўтказиш бўйича суднинг ажрими борлигини, яшаш хонадонига таъқиқланган нарса ва буюмлар бўлса тақдим қилиши тушунтирилганини, шунда М.Дусиярова яшаш хонадони ошхонасидан бир дона целофан пакетга солинган ва бир дона шиша идишга солинган “кўкнори” гиёҳвандлик моддаларини ўз ихтиёри билан тақдим қилганини, ушбу гиёҳвандлик моддалари ИИБ ходимлари томонидан далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинганлигини, М.Дусияровадан сўралганида ушбу гиёҳвандлик моддалари ўзига тегишли эканлигини, оғир бетоблиги ва ногиронлиги сабабли ўзи истеъмом қилиб келишини айтганлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи М.Дусиярованинг юқорида баён қилинган айби судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари қуйидаги суриштирув ва тергов ҳужжатлари, яъни

-М.Дусиярованинг яшаш хонадонига ва қўшимча хўжалик биноларида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати баённомаси, тинтув ўтказиш ҳақидаги суднинг ажрими ва дастлабки тушунтириш хатлари (ишнинг 9-16-бетлари);

-Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 22 июлдаги 610-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси (ишнинг 19-20-бетлари);

-амбулатор суд-наркологик экспертизасининг 2025 йил 13 августдаги М.Дусиярова “опийли гиёҳвандлик (кўкнор)” касаллигига чалинганлиги тўғрисидаги 688-сонли далолатномаси (ишнинг 24-бети);

-кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (ишнинг 105-110-бетлари);

-Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 26 июлдаги 889-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси (ишнинг 119-120-бетлари) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи М.Дусиярованинг содир этган жиноий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи М.Дусиярованынги жиноий қилмиши қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар деб ҳисоблаб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

-5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боқлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Дусияровага жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун талаби ва Пленум қарорида берилган тушунтиришларга амал қилиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, 2-гуруҳ ногирони эканлигини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имконияти мавжудлигини инобатга олиб, у айбли деб топилган қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

-судланувчи М.Дусиярованынги зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 3-қисмига мувофиқ жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазони ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида муайян жойларга, яъни (кафе, бар,



ресторанларга) бормаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмаслик ва алкогольли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклашни;

-жазони ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида “опийли гиёҳвандлик (кўкнор)” касаллигидан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллашни”

-ашёвий далил тариқасида олиинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасида сақланаётган экспертиза текширувларидан кейин қолган 87,8 грамм қуруқ ҳолдаги “кўкнори хашаги” гиёҳвандлик моддаларини йўқ қилишни белгилашни;

-иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддалари тартибида

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовна (Dusiyarova Muxayyo Qilichovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Дусиярова Мухайё Қиличовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил Самарқанд вилояти Пахтачи тумани “Дабусқалъа” маҳалласидаги яшаш уйини келгусида иш ёки ўқишга кирган тақдирда, иш ёки ўқиш ва унга бориб-келиш вақтидан ташқари тарк этиши бутунлай чекланган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида судланувчи М.Дусиярованинг 2025 йил 11 сентябрь кунидан 2025 йил 15 декабрь кунига қадар 3 (уч) ой 4 (тўрт) кун уй қамоғида бўлган кунлари, озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, қаътий ўташлик учун 2 (иikki) йил 8 (саккиз) ой 26 (йигирма олти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи М.Дусияровага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;



-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи М.Дусиярованинг тақиқларга, (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Пахтачи туман ИИБ Пробацяя гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати пробацяя гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Дусияровага нисбатан жазони ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида “опийли гиёҳвандлик (кўкнор)” касаллигидан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи М.Дусияровага нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб Ўзбекистон Республикаси ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасида сақланаётган 87,8 грамм “кўкнори хашаги” гиёҳвандлик моддалари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги эътироф этилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш, прокурор протест билдириш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья

И.Ҳамидов

